

М

«Адолат» СДП Ўзбекистоннинг келажаги — инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар инсонга ва ижтимоий соҳага инвестиция киритиш вазифасини қўяди. Буларнинг барчаси фуқароларга янги иш ўринларини топиш, янги касб-ҳунарларни ўрганиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш имкониятини беради.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 50 (1010) • 2014-yil, 12-dekabr, juma

Сайловда фаол иштирок этиш — бурчимиз

➤ Сайлов — 2014

Навоий вилоятининг Томди туманида ҳам жорий йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга пухта ҳозирлик кўрилди.

— Сайловнинг халқаро меъёрлар асосида юқори савияда ўтишини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Томди тумани сайлов комиссияси раиси Дўйсенбой Кетебаев. — Худудда ташкил этилган 28 сайлов участкасида сайловчилар учун зарур шароит яратилди. Барча сайлов участкалари 11 декабрдан иш бошлади.

Сайловда 10 минг 300 дан зиёд сайловчи иштирок этади. Уларнинг 144 нафари илк

марта овоз беради. Нурбек Ибрашов улардан бири.

— Сайловда фаол иштирок этиш — бурчимиз, — дейди Нурбек. — Ушбу муҳим сиёсий тадбирда мамлакатимизнинг янада тараққий этиши ва халқимиз фаровонлиги юксалишига хизмат қиладиган қонунлар яратишга муносиб ҳисса қўша оладиган номзодга овоз бераман.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири

Янги қонун кучга кирди

➤ Депутат минбари

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада самарали ҳуқуқий база яратилди. Аввало, Конституциямизда белгилаб берилган нормалар асосида мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда қадр-қиммати энг олий қадрият даражасига кўтарилди.

Яқинда нишонланган Бош Қомусимизнинг 22 йиллиги тантанасида давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътироф этилганидек, ўтган йилларда амалга оширилган конституциявий ислохотлар фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётганида намоён бўлмоқда.

➤

Ижтимоий ҳозиржавоблик ва сиёсий қобилият электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим шarti

➤ Номзод билан учрашув

Бугун сайловчилар сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларига қай даражада қизиқиш билан қараяптилар? Улар томонидан депутатликка номзод этиб кўрсатилганлар билан сайловолди учрашувлари, мулоқотлари партиянинг мақсад ва вазифаларини тўла ифода этаётими?

Сайловчилар ижтимоий-сиёсий масалалар мундарижасидан ўрин олган таклифлардан қандай қиёсий хулосалар чиқармоқдалар?

➤



ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

➤ Мухаррир минбари

Элини қадрлаган қадр топади...

Бу 106 ёшида ҳам давраларни гуллайтиб келинсалом айтадиган момом Ҳайитгул момо Даминованинг бизга бот-бот уқтириб турадиган ҳаётий ҳикматларидан бири эди. Раҳматли ҳеч қачон мақолсиз, маталсиз сўз айтмасди. Ҳар бир мақолида, ҳар бир маталида бир олам маъно мужассам бўларди. Ўзбекнинг ҳар бир бобомерос анъанаси, қадрияти, урф-одатининг моҳияти ҳақида соатлаб сўзлаб, энг асосийси,

уларни шарҳлаб берарди. Яна, ёшда шиддат — қарида ҳикмат бор, деган ўғитни ҳам такрорлашни яхши кўрарди. Кейин айттарди: Агар сизлар ўзларингиздаги шиддатни қариялардаги ҳикмат билан қўшишни ўргансанглар, ҳеч қачон кам бўлмайсизлар. Яна...

Яна айттардики, кексасини улуғлаган, йиқилганини суюган, муҳтожини қўллаган, яхши-ёмон кунда ўз элининг корига яраганини Яратганнинг ўзи қўллайди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган Конституциямизнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган "Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир" мавзuidaги маърузасини тинглар эканман, яқинда ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа ёдимга тушди.

Маълумки, журналист халқи касби тақозоси билан хизмат сафарларида кўп бўлади.

Бундай сафарлар давомида турфа одамлар билан учрашди, суҳбатлашди, уларнинг фикрини эшитди, бир сўз билан айтганда, ҳаётни, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ўрганади. Улардан ўзига тегишли хулосалар чиқаради.

Яқинда Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида хизмат сафарида бўлдим. Биз борган кунда тумanning Пайшанбаси-ёб кўрғонидан янгидан бунёд этилган 60 та намунавий лойиҳада қурилган уйларнинг эгаларидан бири ховли тўйи қилаётган экан.

➤



Суратда: номзод сайловчилар билан мулоқот чоғида.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси,
халқ депутатлари вилоят,
туман ва шаҳар
Кенгашлари
сайловига

8 кун қолди

ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

Сайлов
участкалари овоз
беришга шай

➤ Сайлов — 2014

Қорақалпоғистон Республикасида 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга тайёргорлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тузилган сайлов участкалари овоз беришга шай қилиб қўйилди.

Сайлов участкалари сайловни ўтказишга доир барча зарур жиҳозлар — мебель, компьютер, нусха кўчириш аппарати, телефон, факс ва бошқа техника воситалари, сайлов жараёнига оид ҳуқуқий адабиётлар билан тўлиқ таъминланган.

Нукус шаҳридаги 13-сайлов участкасида барча зарур шaroит яратилган. Сайловчилар рўйхати, депутатликка номзодлар ҳақида маълумотлар, сайлов тўғрисидаги қонунлардан кўчирмалар тегишли жойга ўрнатилган. Тиббиёт, оналар ва болалар хоналари тўлиқ жиҳозланган.

— Сайловчиларнинг эркин овоз бериши, сайловнинг очиклик, тенглик ва адолат тамойиллари асосида ўтиши учун барчаси тахт, — дейди участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Зарипбой Ембергенов. — Овоз берадиган куни сайлов участкасига келолмайдиган сайловчиларнинг уйига бориш учун комиссия аъзолари белгилаб, транспорт ажратилди, кўча кути билан таъминланди.

— Мен шу йил 19 сентябрь куни ўн саккиз ёшга тўлдим, — дейди Фазилат Тилепова. — 2-Нукус тиббиёт касб-ҳунар коллежида тахсил олмоқдаман. Бу йил биринчи марта сайловда иштирок этаман. Сайловга оид қонунлар, номзодлар ҳақидаги маълумотлар билан танишдим, бўлажак сайловда энг муносиб номзодга овоз берман.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекда "Тўй — элники", деган гап бор. Биз ҳам шу элнинг фарзандимиз дея, айтилмаган бўлсак-да, тўйга бордик. Хонадон эгалари Хуршид Зиёев ва Зарина Қодировалар хуш-хандон қарши олишди. Тўйин дастурхон атрофида, бир пиёла чой устида суҳбатимиз кўр олди. Суҳбат мобайнида уни-бунни сўраб-суриштирган бўлдик. Янги уйларнинг шарт-шaroитлари билан қизиқдик. Ана ушунда хонадон бекаси айтган сўзлар ҳамон қулоғим остида жаранглайди.

— Агар рўхсат берсалар, хўжайинимдан аввал гапирсам, — деб сўз бошлади хонадон бекаси Зарина Қодирова. — Биласизларми, менимча намунавий лойиҳаларда қуриладиган бу уйларнинг тархи, энг аввало, биз, аёлларни ўйлаб чизилган бўлса керак. Чунки, янги уйимизда аёл меҳнатини енгиллаштирадиган барча шарт-шaroитлар муҳайё этилган. Бундан уч-тўрт йил аввал шаҳарда яшайдиган қариндошларимизникига борсак, уларнинг шароитини кўриб ҳавасимиз келарди. Иссиқ-совуқ сув уй ичида. Кир ювсанми, идиш-товоқ чаясанми, ҳовлига чиқиш шарт эмас. Ҳамма шароит бор. Сув иситаман деб, кўзинг тутунга тўлиб, қозон остига ўт ёқмайсан. Кеча улар бизнинг уйлардаги шароитларни кўриб ҳавас қилиб кетишди. Чунки бизнинг уйларимизда нафақат яхши яшаш учун шарт-шaroитлар яратилган, балки янги уйлар айнан ўзбекча яшашга, бир сўз билан айтганда, миллий менталитетимизга мослаштирилгани билан ҳам қариндошларимизни лол қолдирди.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб кетмасам бўлмайди. Энг асосийси ва кўпчиликка маъқул келган томони, намунавий уйларнинг нархи ва уларни сотиб олиш учун давлат томонидан берилмаётган узоқ муддат-

ли моддий ёрдам бизга жуда кўл келди.

Пайшанбасиёбликлар билан хайрлашар эканмиз, уларга юртимизнинг бу мўъжаз гўшаси ҳақида, албатта, мақола ёзишга ваъда қилдик. Лекин бошқа ишларимиз кўпайиб, ҳали ваъда қилинган мақола ёзишга улгурмаган эдик. Кўни кеча пайшанбасиёблик Хуршид Зиёев кўнғироқ қилиб қолди.

— Ака, кеча телевизорда мамлакатимиз Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали тадбирини кўрдим. Президентимизнинг маърузасини эшитдим. Қани иложи бўлса-ю, бизга, қишлоқ аҳлига кўрсатаётган гамхўрликлари учун у кишига шахсан

раҳмат айтсам. Илтимос, агар мақола ёзсангиз мени, аёлимни ва тўрт нафар фарзандимни миннатдорчилигимизни етказиб қўйинг...

Хуршид Зиёевнинг самимий сўзларини эшитиб, яна момонинг сўзларига ёдимга тушди. Элини қадрлаган қадр топади!

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида Аҳмаддон Элмуродов, деган куйди-пишди ҳаммасини бор. Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида йўллик байрамга асосан Хатирчига тушди. Ҳар гал бўлгани каби Аҳмаддон акани йўқладик. У киши бизни қарши олар экан, тўлқинлаб сўзлай кетди:

— Мирзо Улуғбек номидаги

ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган Жалойир қишлоғилик табаррук 112 ёшга кирган Туман момо Боймуродовага "Шухрат" медали берилди. Агар қарши бўлмасангизлар, момони бирга табриклар келсак.

Бордик. 112 ёшга кирса-да, ҳамон тетик момо бизни қучоқ очиб қарши олди. Суҳбатимиз ўтмиш ва бугун орасида бўлди. Шу ўринда табаррук ёшдаги момонинг айрим сўзларини ўқувчимизга ҳам илдиндик:

— Тишим чиққандан бери кетмон чопдим, — деб бошлади Туман момо хикоясини. — Бир замонларда яшган эканмиз-да. Биз каби оддий одамлардан биров сен ҳам одамлик сени ҳам бирон-бир

дарди-ташвишинг борми, деб сўрамасди. Ҳозир ҳам шунга кўниб қолган эканмиз-да, болам. Ишла дейишарди, ишлардик. Қачонки, кетмон кўтаришга ҳолимиз қолмагач, пенсияга чиқаришарди. Ҳозир бировга айтсанг, ишонмайди. Бир умр қолқознинг қора меҳнатини қилиб, 12 сўм билан пенсияга чиққанман. Бу 12 сўм деганига ўша пайтда ҳам бир қоп ун бермасди.

Яратганга шукр, ўлмаган қул кўрар экан. Шундай омон-омон кунларда яшаш бахти насиб этди. Ҳозир бундай ҳисоб-ки-тоб қилсам, невара-чевара-ю, абираларимни саногидан адашиб кетаман. Ҳар кўни кўрган келишади. Бугун олаётган пенсиям ана шу ширинтойла-

римнинг ҳаммасига улашишга етади...

Бугун ишга ярамай қолганимда мени эъозлаб, хурмат қилиб, қадрлаб давлат мукофоти беришди. Болаларим ҳукуматимиз мени "Шухрат" медалига лойиқ кўргани ҳақида Юртбошимизнинг Фармони эълон қилинган газетани олиб келиб, ўқиб беришганида бошим осмонга етди.

Давлатимиз раҳбари янги — 2015 йилни "Кексаларни эъозлаш йили", деб эълон қилганида кўз ўнгимдан Туман момо Боймуродованинг нуруний чеҳраси, у кишининг дуога кўтарилган кўллари ўтди.

Газетаимиз тахририяти "Адолат" СДП биносида жойлашган. Қачон қарамайлик, партия хоналари иқтидорли, шижоатли ёшлар билан гавжум эканлигини кўрамиз. Кўни кеча тазквондо (ITF) бўйича 9 карра Ўзбекистон чемпиони, икки карра Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, партияимиз фаоли, сирдарёлик Дилбар Холжигитова билан гурунглашиб қолдик. Президент маърузасини бевосита залда ўтириб эшитган талаба қизимиз — у Жаҳон тиллари университетиде таълим олади — Дилбарнинг ҳаяжони кечки.

— Биласизми, мен бир пайтлар ҳатто ўйлашга ҳам журъат этолмайдиган орзуларимга эришдим! Буларнинг ҳаммаси мустақиллик туфайли, устозларимнинг, ёши улуг ақилларимнинг панд-насиҳатлари, ибратлари туфайли бўлди. Кексаларни эъозлаш, уларнинг ҳаёт тажрибаларини кўриб билан ўрганиш, зарур ҳаётий сабоқлар чиқариш биз ёшларнинг бурчимиз. Келаётган йилнинг "Кексаларни эъозлаш йили" деб номланишида мен чуқур хикмат кўрганимнинг сабаби шунда.

Дилбарнинг самимий эътирофи ўсиб келаётган авлоднинг дилидаги гаплар бўлиб эшитилди менга...

Ислом ҲАМРОЕВ



Ҳар олдига сўрашар

Бирисин Ой Англа, бирисин қуёш

Ўзлимизга хос миллий қадриятларимизда ота-она ва фарзанд, ёшлар ва ёши улуг нурунийлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар юксак инсоний фазилатлар асосига қурилган. Ҳар бир инсоннинг кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши, ота-онасини бениҳоя эъозлаши асрлар синовидан ўтган маънавий анъаналаримиздан саналади.

Конституциямиз қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда муҳтарам Президентимиз томонидан 2015 йил — "Кексаларни эъозлаш йили", деб эълон қилиниши ана шундай миллий қадриятларимизнинг бугунги кунда ҳам юксак мақомда давом этаётганини ёрқин ифодалади.

Аслида ота-оналарни эъозлаш заминиде яна бир ҳаёт ҳақиқати борлигини айтиш жоиз. Ота-она жондан азиз фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, унга бутун меҳри, умр мазмуни бағишлаб улғайтиради. Бу меҳр ва эътибор фарзанд вояга етганидан сўнг, айрим юртлардаги одатларга ўхшаб, бирдан узилиб қолмайди. Аксинча, фарзанднинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, турли синовларда тўғри йўлдан чалғимай, оқилона иш тутишида ота-онанинг масъулияти янада жиддийлашади. Ҳаётий тажрибага эга бўлган бу улуг инсонлар фарзанд учун чин маслаҳатгўй, устоз ва ҳақиқий дўст бўлиб, унинг орзу-мақсадларига етишида куч бағишлаб, суянч бўладилар. Фарзанди қувонса қувонган, мушкул дамларда ўртанган меҳрибону мушфиқларимиз, аввало, ота-оналардир. Бундай синовларда ўзаро меҳр ришталари янада мустаҳкамланади. Чинакам меҳр кўргони бўлган оила биз учун муқаддас даргоҳ эканида катта ҳикмат бор.

Фарзандларнинг ўз ота-онасига гамхўрлик қилиши, кекса ёшдагиларга ҳар доим ҳурмат-иззат

нақадар ҳурмат-эҳтиромга сазовор эканига ҳар биримиз гувоҳимиз.

Маълумки, истиқлол йилларида кексаларга гамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада бир қатор қонун ҳужжатлари амалиётга изчил татбиқ этиб келинмоқда. Бош Қомусимизнинг 39-моддасида белгилаб қўйилган: "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга"лиги ҳақидаги тамойил асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқ қўллаб хайрли ишлар амалга ошириляпти. "Кексаларни эъозлаш йили" муносабати билан ишлаб чиқиладиган Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалга ошириладиган ишлар ҳам бу эзгу сазй-ҳаракатлар қўламини янада кенгайтиради. Президентимиз таъкидлаганидек, турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қардор эканимизни унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Хоразм вилояти кенгаши етакчи ва фаоллари вилоятнинг шаҳар, туман ва қишлоқларида умргузаронлик қилаётган нурунийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, улар ҳолидан хабар олишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жорий йил давомида партиянинг вилоят кенгаши ташкилотчилигида хомий ташкилотлар билан ҳамкорликда 100 га яқин меҳнат фахрийлари ўз саломатликларини тиклаб, дам олишлари учун республикамизнинг

турли сихатгоҳларига бепул йўлланмалар билан таъминланди. Партияимизнинг вилоят кенгаши томонидан ташкил этиб келинаётган "Эъоз", "Эътибор", "Кексалар — ҳар доим эътиборда", "Маҳалла фахрийлари ва ёшлар", "Савоб ишни ҳар кун қилиш керак" каби яна бир қатор хайрия тадбирларини ўтказиш анъанага айланган. Ҳар доим кўтаринки руҳда ўтадиган ушбу тадбирларда маҳаллаларда меҳнат ва уруш фахрийлари, боқувчисини йўқотган ёлғиз қарияларга ҳоимийлар ҳамкорлигида моддий ёрдамлар берилмоқда. Шу билан бирга, белгиланган режа асосида "Аёллар қаноти" ва ёшлар билан ишлаш бўлими фаоллари кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кексаларнинг хонадонларига бориб, уларга яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Юртимизда аёллар манфаатларига доимий эътибор қаратилаётгани замирида ҳам онани улуглаш, аёлни қадрлаш, хотин-қизларнинг оила ва жамият ҳаётидаги муносиб ўрнини юксак эътироф этган ҳолда, уларга меҳр ва гамхўрлик кўрсатишдек эзгу мақсадлар мужассам. Аёл — гўзаллик тимсоли, оила аъзолари, ён-атрофидаги яқинларининг биргина ширин сўзи, самимий эътибори унинг кўнглини тоғдай кўтарди, ҳаётига мазмун бағишлайди. Шу маънода нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки қишлоқларда ҳам "Гўзаллик салонлари" сони йилдан-йилга ортаётгани қувонардир.

Биргина Урганч туманида ҳозирда "Гўзаллик салонлари" сони 168 тадан ошди. Урганч тумани Қорал қишлоғининг Мевазор маҳалласида 2013 йилда ташкил этилган, партияимиз "Аёллар қаноти" фаоли Адолат Искандарова раҳбарлигида "Адолат" гўзаллик саломи қишлоқ аёлларининг чинакам гўзаллик масканига айланган.

— Иш бошлаганимизга энди бир йилдан ошган бўлса-да, талаб ва тақлифлар ортаётгани боис айни пайтда хизматчилар сонини ошириш, хизмат кўрсатишни кенгайтиришни режалаштирганмиз, — дейди А.Искандарова мамнунлик билан. — Кўриб турганимиздек, гўзаллик салонимизга қўллаб аёлларимиз келишмоқда.

— Президентимизнинг биз аёлларга бекиёс гамхўрлиги туфайли тадбиркорлик ташаббусларимиз амалга олиши учун барча имкониятлар яратилган. Жорий йилнинг февраль ойида ушбу янги масканни ташкил этдик, — дейди Гурлан тумани Вазир қишлоғида фаолият юритаётган "Зебуннисо" гўзаллик саломи раҳбари Омонжон Ҳабибуллаева. — Гўзаллик саломи аёллар орзиқиб кутган маскан экани қисқа фурсатда аён бўлди, дессам муболага қилмайман. Айни пайтда бу ерда келинлар либослари ҳам тайёрланапти, тез орада фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Аёлнинг дили ўз гўзаллигидан равшан тортса, унинг қалбини бахтиёрлик туйғулари янада кўпроқ хушуд этади, она қувончидан оила бағри ҳаёт гўзалликларига тўлибтошади. Шу боис бундай хайрли сазй-ҳаракатларнинг Кексаларни эъозлаш йилида ҳам давом этиши юртимиз аёлларини беҳад қувонтиради.

Кексаларни эъозлаш, ота-оналаримизни қадрлашда хикмат кўп, хайрли ва савоб ишлар яхшиликлар эшигини очади, кўнгишларга эзгулик ҳаловатини бағишлайди. Ҳазрат Навоийнинг ушбу мисралари ҳар биримизга ёд бўлиб кетгани бежиз эмас:

Бошни фидо айла то қошига,
Жисми қил садқа оно бошига...
Тун-қулуғга айласан нур фой
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Отaxonу онахонлар умримиз чарогбонлари, уларнинг доно ўғитлари ҳаётимизни безайди, маслаҳатлари ишларимизга унум бағишлайди, кўпни кўрган ёши улуглар тилагидан хонадонлар ва юртимизнинг файзу баракаси зиёда бўлади.

Адолатпарвар ўқувчи голиб бўлди

➤ Эътибор

Абдулхай Ҳоролов Чилонзор туманида жойлашган Хлебущкино номидаги 22-«Меҳрибонлик уйи»нинг тарбияланувчиси ва шу тумандаги 128-сонли умумтаълим ўрта мактабининг билимдон ўқувчилоридан бири саналади.

Болалигидан жиддий нигоҳи, маъноли сўзлари ва ўзининг қатъияти билан кўпчиликни ҳайратга солган бу йигитча ҳаётда ҳаммиса адолат ва ҳақиқат голиб бўлишига ишонди. Балки, шунинг учундир ҳуқуқ йўналишидаги адабиётларни севиб ўқийди, бу соҳадаги билимларини кундан-кунга бойитиб боради. Ҳаракатчанлиги боис, у ўз тенгдошлари орасида яхши натижаларга эришиб келмоқда. «Меҳрибонлик уйи» тарбиячилари, тарбияланувчилари у билан ҳақли равишда фахрланишади. Олдида ҳам, ортидан ҳам эркалаб, "ўзимизнинг Абдулхай", дейишади.

Бу беҳиз эмас, албатта. Яқинда у пойтахтимизда ўтказилган "Президент асарларини ўрганиш" кўриктанловининг Чилонзор туман босқичида муваффақиятли қатнашиб, туманда фахрли ўринни эгаллади. Бу ютуғи Абдулхайнинг ўзига бўлган ишончини янада орттирди. Жамиятимизда амалга ошириладиган ислохотларни ўрганиш ва шулар асосида ҳаётда тутган ўрнини ва йўлини тўғри танлашни олдига мақсад қилиб қўйди. Унинг Ватан ҳақидаги фикрлари ҳам бошқа тенгдошлариникидан бўлакча. "Ватан бу менинг омам, менинг отам, оилам ва мана шу кутлук заминдир. Унинг ҳар бир заррасини севиб, ардоқлайман ва шу муқаддас юртимга муносиб фарзанд бўлишга астойдил бел боғлайман. Бу менинг фарзандлик бурчим. Мен ўзимни бахтли дийёрнинг бахтиёр ўғлини деб билман, меҳрибон юртим ва бағрикенг халқим мен билан доимо бирга".

Эндигина 9-синфни тугаллаётган Абдулхайнинг юрагида жўш уриб турган бу сўзлар, қалбида Ватанга бўлган муҳаббатини кўриб эртанги кундан хавотир олмайди, киши. Иқтидорли ёшларга барча имкониятлар эшиги очилган, фақатгина ана шу яратилган мавжуд шарт-шaroитлардан тўғри фойдаланиб, юртимиз келажак учун бор билимлари ва садоқатларини намоён этишса, кифоя.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА

Ижтимоий ҳозиржавоблик ва сиёсий қобилият

электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим шарти

Давоми. Бошқа 1-бетда

61-Тайлоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган "Адолат" СДП аъзоси Сулаймон Боқиевнинг тумандаги педагогика касб-ҳунар коллежида сайловчилар билан сайловолди учрашувида ҳам долзарб ижтимоий масалалар ва уларни ҳал этишнинг аниқ йўллари кўрсатилганлиги мулоқот учун аҳамиятли бўлди.

Даставвал шуни таъкидлаш лозимки, коллежда тўпланган сайловчилар мулоқотга ташриф буюрган тўртала сиёсий партия номзодларининг сайловолди дастурларини диққат билан тинглаб, ўзлари учун фойдали тақлифларни илгари олишга, зарур хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдилар.

Айниқса, бу йил сайловда биринчи марта иштирок этишга ҳозирлик қўраётган ёшларнинг таълимни инновацион гоёлар асосида янада ривожлантириш, коллеж битирувчилари учун кафолатли иш жойларини яратишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли меъёрларини ишлаб чиқиш ва иш берувчининг бу борадаги шартномавий мажбуриятларига амал қилишига доир назоратни кучайтириш хусусидаги саволлари ва номзоднинг бу каби масалаларга муносабати кўпчиликда қизиқиб уйғотди.

Барча масалаларнинг қалити — қонун устуворлигини ва давлат бошқаруви идоралари фаолиятида очиқлиқни, ҳисобдорликни таъминлашда, деб биламан, — деди саволларга жавоб берар экан "Адолат" СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига

номзод Сулаймон Боқиев. — Шунда коллеж битирувчиси ўз ҳуқуқини қимдан талаб қилишини, иш берувчи эса зиммасидаги мажбуриятига аниқ риоя этишни, бу борада қонун олдидаги масъулиятни тушуниб етати.

Депутатликка номзод Сулаймон Боқиевнинг сайловолди дастури электоратнинг ҳаётий эҳтиёжларига мос келадиган, чуқур таҳлилларга асосан ижтимоий масалалардан таркиб топганлиги билан сайловчилар эътиборини жалб этди. Хусусан, қайта тикланувчи мўқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, янгилик ижтимоий объектларда ва шахсий хонадонларда жорий этилишига ҳар томонлама қўмаклашиш ҳақидаги хулосалар мулоқотга тўпланганлар учун фойдали бўлди.

Таъкидландики, бугун Самарқанд вилоятида партия ташаббуси ва манфаатдор ташкилотлар кўмаги билан 260 та қуёш электор станцияси ишга туширилган. Аммо бу рўйхатни янада кенгайтириш, хусусан, мўқобил энергия манбалари шахсий хонадонларда қўлланишида банк томонидан имтиёзли кредитлар ажрати-лишини таъминлаш, номзоднинг фикрича, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига қиради.

Худди шунингдек, қурилиш тугалланмаган ёки бўш турган корхоналарни қайта реконструкциялаш, модернизациялаш ҳисобига ишга тушириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг қўшимча имкониятларини пайдо қилиши ҳақидаги номзоднинг ҳисоб-китобларга асосланган фикрлари ҳам ўрганишга лойиқ. Вилоятда ҳозирча навбат кутиб турган ўндан ортиқ шундай объектларни таъки ва ички инвестициялар ҳисобига қайта тиклаш янги иқтисодий им-

кониятларни юзага келтириши мумкин.

Номзод Сулаймон Боқиев капитал қурилишда ҳам шартномавий нархларнинг янги меъёрий асосларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди. Шунинг баробарида, у қишлоқларда барпо этилаётган намунали уй-жойлар хариди учун белгиланадиган имтиёзлар рўйхатини кенгайтириш тарафдори.

Партия дастуридан келиб чиққан ҳолда депутатликка номзод коммунал соҳада аниқ ҳисоб-китобларга асосланган тўловларнинг жорий этилиши ва унинг пухта назорат қилиниши зарур, деб таъкидлади. Бу истезмолчиларнинг қонуний манфаатларига мос келиши билан бирга аҳолининг кам таъминланган қисмини сунъий қарздорликдан ҳимоя қилишнинг ишончли йўлидир.

Партияимиз номзоди ўзининг сайловолди учрашувида тиббий хизматнинг сифат даражасини ошириш, жамоат транспорти ишини такомиллаштириш имкониятлари ҳақида ҳам атрафлича фикр юритди. Мазкур масалаларни муваффақиятли ҳал этишда талаб этиладиган ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишга қай тариха ёндашиш мумкинлиги ҳақида берилган саволларга жавоб қайтарди.

Педагогика коллежида бўлиб ўтган биргина мулоқот номзоднинг партия билан яқин ҳаракатда қандай ижтимоий масалаларни электорат фойдасига ҳал қилиши мумкинлигини ва сиёсий ишчанлик, изланувчанлик, қатъият ҳамда қонунчилик ташаббуси бўлғуси депутатларга хос вазифалар бўлиши зарурлигини кўрсатди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Муайян давлатнинг миллий қонунчилиги халқнинг турли анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари, ижтимоий ривожланишининг ифодаси сифатида акс этади. Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида мустақиллигини эълон қилгандан бошлаб, миллий қонунчилигимиз асосларини яратишга жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўз фаолиятида "Адолат — қонун устуворлигида" тамойилига изчил амал қилиб, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг устувор вазифаси, деб билади. Партия мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришга йўналтирилган ислохотларнинг миллий қонунчилик тизимида ҳам кенг қўламда олиб борилаётганини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, инсоннинг ақлий меҳнати маҳсули бўлган интеллектуал мулкка нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза этиш, бу борада қабул қилинган қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлаш, муаллифлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш тарафдоридир.



Интеллектуал мулк муҳофазасини кучайтириш

«Адолат» СДП Сайловолди дастурининг муҳим ҳуқуқий йўналишидир

Ўтган йиллар давомида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилди. Бу аввало, интеллектуал мулкнинг конституциявий кафолатлангани билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш, фикр юритиш ва уни эркин ифодалаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Бу эса ҳар бир инсонга ижод қилиш ва унинг маҳсули бўлган асарга (қандай асарлигидан қатъий назар) муаллиф бўлиш ҳуқуқини беради. Қолаверса, интеллектуал мулк маҳсулини муҳофаза қилишга қаратилган махсус қонунлар қабул қилишга жиддий эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 январда қабул қилинган 33-сонли қарорига мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси билан бевосита шугullanувчи ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги қайта ташкил этилиб, унинг фаолиятини белгилловчи Низом тасдиқланди.

"Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида"ги қарори асос бўлди. Бундан ташқари, Агентлик чет эл муаллифларининг асарларидан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақини йиғишни амалга оширади ва чет эл ҳуқуқ эгаларига тақсимлаш ва тўлаш учун уларни ушбу жамоа ташкилотларининг ҳисоб рақамларига ўтказди.

Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги билан тузилган шартномаларга мувофиқ чет эл муаллифлик ҳуқуқий жамоа ташкилотлари ўз худудидида ўзбек муаллифларининг асарларидан фойдаланганлиги учун муаллифлик ҳақини йиғадилар ва ўзбек муаллифлари ёки уларнинг меросхўрларига тақсимлаш ва тўлаш учун Агентлик ҳисоб рақамига ўтказадилар. Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида 2005 йилда муаллифларнинг ягона электрон маълумотлар базаси яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун талабларини бузилиш ҳолатларини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган республика Ишчи комиссияси ва унинг жойлардаги ишчи гуруҳлар билан ҳамкорликдаги фаолиятлари натижасида муаллифлар, ижрочилар ва бошқа субъектларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишни сўраб берган ариза ва шикоятлар атрофлича ўрганиб чиқилди, аниқланган ҳолатлар бўйича бузилган ҳуқуқларни тиклашга эришилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП электоратининг асосини фан, таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари каби муҳим ижтимоий соҳалар ҳодимлари ташкил қилади. Бу соҳада ақлий меҳнат маҳсули ўлароқ, турли хил асарлар, адабиётлар, лойиҳа ва иختиrolар яратилади. Қолаверса, мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро этник келиб чиқиши ва эътиқоди, ижтимоий аҳоли, машғулот, мулквий имкониятидан қатъий назар, ақлий меҳнат натижалари бўлган интеллектуал мулк ҳимоясига эҳтиёж сезади.

Интеллектуал мулк (муаллифлик) объектини фан, адабиёт ва санъат асарлари, саҳнага қўйиш, ижро этиш, ёзиб олиш, тўлқин ва кабель (сим) орқали кўрсатувлар узатиш, эшиттириш тайёрловчи ташкилотлар яратган маҳсулотлар ташкил қилади ва уларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи шу асарлардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш орқали тартибга солинади. Моддий мулк мазмунига эга бўлмаган, инсон орзу-умидлари, ўй-хаёллари, шахсий фикри, ақлий салоҳияти, тафаккури маҳсули унинг маънавий мулк сифатида қонуний ҳимоя қилинади. Бундай ҳуқуқни ҳимоя қилишга эҳтиёжнинг мавжудлигига асосий сабаб фан, маданият, санъат соҳасида асар яратган муаллифларнинг ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари билан боғлиқдир. Биринчи навбатда, мамлакатнинг ўзида яратилган асарларга муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя механизмининг янада кучайтириш керак. Бунинг учун яратилган ҳар қандай интеллектуал мулк объектга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини белгилаш, уни амалга оширишда талаби ва ме-

зонларини қайта кўриб чиқиш мақсада мувофиқдир.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ўзининг Сайловолди дастурида интеллектуал мулк объектларига оид муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш ҳамда халқро меъёрларга яқинлаштириш, мазкур масалада фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга нисбатан давлат органларининг масъулиятини ошириш тарафдори.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк объектлари, халқро ҳуқуқий меъёрлар ҳамда миллий қонунчилик тизимида бевосита соҳага тааллуқли бўлган қонунлар билан ҳимоя қилинишига қарамай, хали бу борада фуқаролар қатор муаммолар дуч келмоқдалар. Демак, муаллифлик ҳуқуқининг бузилишига асосий сабабларидан бири фуқаролар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича етарли даражада ҳуқуқий билимга эга эмаслигидир. Зеро, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ва қонун устуворлигини таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз электорати вакилларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини фаол ҳимоя қилади. Шунингдек, интеллектуал мулк маҳсули — муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, яратилаётган илмий тадқиқотлар, иختиrolар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бундай ҳуқуқларнинг бузилишига нисбатан суд, ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъулиятини янада оширишни долзарб масалалардан бири, деб ҳисоблайди.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда "Адолат" СДП ўзининг Сайловолди дастурида, аввало, бу борада ўз электорати ва қолаверса, барча фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш маданиятини шакллантириш учун тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришни илгари суради. Бозор иқтисодиёти ва айна пайтда асосан ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватловчи давлат сектори мавжуд бўлган иқтисодиёт тарафдори эканлигини қайд этган ҳолда фуқаролар ақлий меҳнат маҳсули бўлган маънавий мулкни ҳимоя қилишга нисбатан ҳам давлат назоратини кучайтириш тарафдори. Чунки айнан давлат иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлайди. Шунингдек, партия ўзининг Сайловолди дастурида иқтисодиёт ва инновацион тараққиётнинг ҳуқуқий асосларини тўғри белгилаш, яратилган моддий бойликларнинг адолатли тақсимланиши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, интеллектуал мулк билан боғлиқ муаллифлик, ҳаммуаллифлик ҳамда турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш меъёрларини бузишга йўл қўймаслик, уларга тўғри ва эркин ёндашиш, интеллектуал мулкни миллий бойлик сифатида ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришни тақлиф этади.

Назира ТОШПҮЛАТОВА,
ЎЗДЖТУ халқро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 103-Бўйик сайлов округидан кўрсатилган номзод

Ёшлар — ОИТСга қарши улар соғлом ҳаёт тарзи тарафдори

Тадбир

Ортирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) хасталиги бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантираётган глобал масалалардан бири бўлиб, мазкур касалликдан дунёда 34 миллион инсон азият чеқмоқда. ОИТСнинг давосиз дараж эканлиги ва юқиб хавфи борлиги инсониятни оғоҳ бўлишига ҳамда унга қарши биргаликда курашишга ундайди.



Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақўл туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги тиббиёт коллежида "Ёшлар — ОИТСга қарши" мавзусида ёшлар билан учрашув ўтказилди. Бу ҳоро виллоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда соҳа мутахассислари, тиббиёт бирлашмалари, ихтисослашган поликли-

никалар шифокорлари, туман партия кенгаши фаоллари ва ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбирда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ОИТСнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат ҳамда спорт билан мунтазам шугullanушини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро виллоят кенгаши мутабоот котиби

Янги қонун кучга кирди

Давоми. Бош 1-бетда

Ўз навбатида фуқаролари-миз онг-тафаккурида юз бераётган ушбу ўзгаришлар ва бугун кундалик ҳаётимизда рўй бераётган янгиланишлар миллий қонунчилигимизни замон талабларидан келиб чиқиб тақомиллаштириб боришни тақозо этапти. Жорий йилнинг 13 ноябрь куни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланиб, 4 декабрда Президентимиз имзоси асосида кучга кирган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳақида айнан бугунги замон талабларининг маъқулдир.

Хўш, шу пайтгача амалда бўлган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ўрнига қабул қилинган янги қонуннинг янгилиги нимада? Таъкидлаш лозимки, бугунги кунгача фуқаролар мурожаати 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг янги тахрири асосида тартибга солинар эди. Аммо ушбу қонунда юридик шахсларнинг мурожаати борасида қонунлар белгиланмаган, шунингдек, электрон мурожаатлар ҳам назарда тутилмаган эди.

Янги қонуннинг мақсади — фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада тақомиллаштириш, шунингдек, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириб беради.

5 боб, 31 моддадан иборат "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунда аввалги қонунга нисбатан бир қатор янгиланишлар бўлиб, улар қуйидагиларда акс этади.

Биринчидан, тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқларини таъминлаш, жумладан, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирилди.

Иккинчидан, мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ равишда кенг тарқалган "электрон мурожаат" турининг ҳуқуқий мустаҳкамланиши таъминланди.

Учинчидан, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишдаги масъулиятни оширилди.

Тўртинчидан, қонунда амалда дуч келинаётган такрорий мурожаат, мурожаатнинг дубликати, қўшимча мурожаатлар масалаларига аниқлик киритилиб,

таъриф берилди ва уларни кўриб чиқишнинг тартиби белгиланди. Бу давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини жорий қилиш имконини беради.

Қонуннинг номи аввалги қонунга нисбатан бирмунча ўзгартирилди ва кенгайтирилди. Бунда хорижий тажрибалар ҳам ўрганилиб, унинг миллий қонунчилигимиз билан уйғун, илгор жиҳатларига эътибор берилди. Қонунда янги субъект — юридик шахслар киритилишини ҳисобга олган ҳолда уни амалдаги қонунчилик терминологияси билан мувофиқлаштириб, бир-бирига мутаносиб номланиши мақбул деб топилди.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунда фақат фуқаролар эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди. Зеро, қонун ҳужжатларида фақат фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, қонунда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги қонунбузарлик учун тегишли маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш назарда тутилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш кераки, янги қонунда акс этган нормалар Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсад-вазифаларига тўла мос келиши бўлиб улар ҳақида қуйидагиларда акс этади.

Хусусан, қонунда давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатининг кўриб чиқишига жараёни ҳақида ахборот олиши, шахсан ўзи вақтларини баён этиши ва тушунтиришлар бериши, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиши, қўшимча материаллар тақдим этиши ёки уларни бошқа органлардан (ташкilotлардан) сўраб олиши тўғрисида илтимос қилиш, адвокат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллигини назарда тутиш янги нормаларнинг киритилиши партияимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамроҳ қилади. Шунингдек, мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор ва ваколатли шахслари жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркин-



Камола ҲАМИДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

ликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаш, давлат органлари жамияти ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида мурожаатларни камида бир йилда бир марта умумлаштириб, таҳлил этиб боришини назарда тутиш имкониятини таъминлаш, давлат манфаатларининг мавжудлиги ҳам бошқарувда очиклик, ҳисобдорлик тамойилларини қўллаш тарафдори ҳисобланган партияимиз Сайловолди дастурига мос келади.

Шу билан бирга, давлат органлари ва муассасалари маъсул ходимларининг ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларга бўлган эътиборини, бу борадаги масъулиятини оширишни назарда тутиш Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар партияимизнинг қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмига тақомиллашуви, шунингдек, давлат органлари мансабдор шахсларининг фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасидаги масъулиятини янада кучайтиришнинг таъсирчан чораси яратилишига оид гоғялари билан мос эканлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини бутун чоралар билан таъминлашга, шунингдек, давлат органлари ва ташкilotларининг мурожаатлар ўз вақтида ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиши учун жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Reklama o'rnida

«Микрокредитбанк» сармоялари — муваффақиятлар омили



Бугунги кунда юртимизда ишончли ва кафолатли банк тизими самарали фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, "Микрокредитбанк" йиллар давомида тупланган тажрибадан унумли фойдаланиб, аҳоли ва мижозларга тақлиф этилаётган хизматларини ҳар томонлама тақомиллаштириб бораёпти. Хусусан, юртдошларимизнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда, ёшларимизга ўз бизнес-лойиҳаларини амалга оширишлари учун барча имкониятларни яратиб беришда мамлакатимиздаги молия муассасалари қаторида "Микрокредитбанк" ҳам фаол иштирок этиб келаётир. Айтиш жоизки, ушбу молия муассасаси кўрсатаётган молиявий кўмак ҳақида қўллаб-қўйиб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Қуйида улардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Албатта, иқтисодиётимизда соғлом рақобат кучайган бир шароитда бизнес юритиш осон иш эмас. Аммо, тан олиш кераки, бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик қиламан, деган кишига кенг шарт-шароитлар, беқийс имтиёз ва имкониятлар яратилган. Бундан унумли фойдаланаётганлар эса жуда кўп. Шулар орасида ўзим ҳам борлигимдан фахрланаман.

Бундан бир неча йил аввал тикувчилик корхонасини ташкил этиш гоғясини ўйлаб юрардим ва уни рўёбга чиқариш учун пухта бизнес-режа туздим. Уни "Микрокредитбанк"нинг мутахассисларига тақдим этганим, улар лойиҳамни қўллаб-қувватлашди. Зарур маблағни ажратишга қарор қилишди. Шу билан ўз бизнесимни йўлга қўйиб олдим.

Ҳозир мазкур молия муассасасининг мижозси сифатида шу нарсага амин бўлдимки, банк танлашда алаҳмаган эканман. Нега деганда, ҳар сафар маблағ ёки молиявий жиҳатдан маслаҳат зарур бўлса, банк ходимларига мурожаат этаман. Улар бу борада ёрдамларини аямалдилад, албатта. Яна бир жиҳат, банк томонидан ажратилаётган сармоялар имтиёзли. Қайтариш шартлари оддий. Бу эса тадбиркорлар, айниқса, эндигина шу соҳага қадам қўяётган ёш ишбилармонлар учун айнаи муқаддир.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадикки, "Микрокредитбанк" сармоялари, албатта, ўз самарасини беради.



Хусусан, қонунда давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатининг кўриб чиқишига жараёни ҳақида ахборот олиши, шахсан ўзи вақтларини баён этиши ва тушунтиришлар бериши, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиши, қўшимча материаллар тақдим этиши ёки уларни бошқа органлардан (ташкilotлардан) сўраб олиши тўғрисида илтимос қилиш, адвокат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллигини назарда тутиш янги нормаларнинг киритилиши партияимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамроҳ қилади. Шунингдек, мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор ва ваколатли шахслари жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркин-

ликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаш, давлат органлари жамияти ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида мурожаатларни камида бир йилда бир марта умумлаштириб, таҳлил этиб боришини назарда тутиш имкониятини таъминлаш, давлат манфаатларининг мавжудлиги ҳам бошқарувда очиклик, ҳисобдорлик тамойилларини қўллаш тарафдори ҳисобланган партияимиз Сайловолди дастурига мос келади.

Шу билан бирга, давлат органлари ва муассасалари маъсул ходимларининг ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларга бўлган эътиборини, бу борадаги масъулиятини оширишни назарда тутиш Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар партияимизнинг қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмига тақомиллашуви, шунингдек, давлат органлари мансабдор шахсларининг фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасидаги масъулиятини янада кучайтиришнинг таъсирчан чораси яратилишига оид гоғялари билан мос эканлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини бутун чоралар билан таъминлашга, шунингдек, давлат органлари ва ташкilotларининг мурожаатлар ўз вақтида ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиши учун жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда юртимизда инсон манфаатларини рўёбга чиқариш олий қадрият даражасига кўтарилиб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинаёпти. Бу йўлда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, улар замон талаблари асосида тақомиллаштириляпти, соҳада фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб бораёпти.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ҳар йили мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўринлари яратилмоқда, иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдори муттасил тарзда ошириб боришмоқда. Ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

"Адолат" партияси ҳам ўз дастурида аҳоли учун, айниқса, ёшлар учун иш ўринлари яратиш, ўз навбатида уларнинг ижтимоий хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш, қўлай турмуш шарт-шароитларини яратиш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани яхшилашга оид тақлифларни илгари сурмоқда.

Айни пайтда адолатли фуқаролик жамияти қурилишида бундан кейин ҳам давлатнинг яратувчанлик роли кучайи-

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Кишилиқ жамияти ташкил топгандан буён инсонлар учун энг муҳим қадриятлардан бири бўлиб келаётган тамойил бу ижтимоий адолатдир.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Форобий ўз асарларида «фозил шаҳар»ни орзу қилиб, уни бугунги кунда биз босқичма-босқич ривожлантириб бораётган фуқаролик жамияти унсурларида тасаввур қилгани маълум.

Шунингдек, мутафаккир шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий томонидан қонун устуворлигига асосланган, ҳақиқий фуқаролик жамияти деса арзийдиган, том маънода ижтимоий адолат ва халқ ҳокимияти амал қилаётган, давлат, жамият, халқ маънавиятининг юксак уйғунлиги асослари бундан 500 йил илгари шу даражада ёрқин тасаввур этилган ва бадий жиҳатдан ифодолаб берилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, аждодларимиз асрлар давомида орзу қилган эркин ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш учун кенг йўл очилди.

Адолат тантанаси учун курашамиз!

Умуман, мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган «ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойили мамлакатни ислоҳ этиш, модернизация қилиш ва тадрижий раванқ топтириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юксак барқарор суръатларига эришиш, аҳоли фаровонлигини муттасил ошириб бориш имконини бермоқда.

Буларнинг ҳаммаси мустақилликка эришиш, демократик тартиқ ва ижтимоий адолат таянчи бўлган Бош Қомиссиянинг ҳаётбахш нормалари ҳаётиямизга самарали татбиқ этилаётганининг натижасидир. Бу эса ўз навбатида, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечирishiга замин яратмоқда.

Жамиятда адолат мезонларини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сиёсий майдонга чиққан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сайловолди дастурида ҳам юқоридаги ҳаётий принциплар ва халқимизнинг эртанги кунини учун долзарб бўлган вазифалар белгиланганини кўришимиз мумкин.

Партия ўзининг стратегик мақсадлари ва устувор ҳаракат йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги долзарб масалаларни аниқлаб, ўз фаолиятида уларга ечим топишни устувор вазифа сифатида белгилаб олган.

Социал-демократиянинг аънавий принципларига таянган ҳолда партия, айниқса, мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг бепул умумий таълим олиши, яхши мутахассис бўлиши, муносиб иш топиши ҳамда меҳнат муносабатларини муҳофаза қилиш, энг муҳими, бу борада ижтимоий адолатни таъминлашга муҳим эътибор қаратиб келмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш, инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, ёшларга пухта таълим-тарбия бериш борасидаги ислохотларда ҳар бир фуқаронинг эркин касб танлаши, ўзи қизиққан соҳа бўйича ихтисослик сирларини ўрганиши, меҳнат қилиши учун муносиб шарт-шароитларни қўллаб-қувватлашга ва бу жараёнда партияимиз ҳам фаол иштирок этаётгани айнаи муқаддир.

Бугунги кунда юртимизда инсон манфаатларини рўёбга чиқариш олий қадрият даражасига кўтарилиб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинаёпти. Бу йўлда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, улар замон талаблари асосида тақомиллаштириляпти, соҳада фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб бораёпти.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ҳар йили мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўринлари яратилмоқда, иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдори муттасил тарзда ошириб боришмоқда. Ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

"Адолат" партияси ҳам ўз дастурида аҳоли учун, айниқса, ёшлар учун иш ўринлари яратиш, ўз навбатида уларнинг ижтимоий хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш, қўлай турмуш шарт-шароитларини яратиш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани яхшилашга оид тақлифларни илгари сурмоқда.

Айни пайтда адолатли фуқаролик жамияти қурилишида бундан кейин ҳам давлатнинг яратувчанлик роли кучайи-

ши тарафдори бўлган "Адолат" партияси жамиятда янада катта ўзгаришларга олиб келиши ҳамда фуқароларга кўмак кўрсатиши учун ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг оқилона ва самарали сарфланишини ёқлаб чиқаётгани эътиборлидир. Бунга партия давлат ҳокимиятининг барқарор ўсиши ва ривожланишини, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Айни шу жиҳатдан "Адолат" СДПнинг дастурий гоғяларига ҳамроҳ равишда юртимизда муносиб меҳнат концепциясини амалга ошириш борасида олиб борилаётган кенг қўллаш ишлар натижасида ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш, эркин касб танлаш каби конституциявий ҳуқуқлари тўла таъминланмоқда. Айниқса, меҳнат муносабатлари соҳасида таъсирчан давлат ва жамоатчилик назорати йўлга қўйилганлиги, муносиб меҳнат тамойилларига амал қилиш учун давлат, иш бевуричлар ҳамда касба уюшмалари ўртасида самарали ижтимоий мулоқот ўрнатилганлиги диққатга сазовор.

"Адолат" социал-демократик партияси кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этишни мақсад қилган. Аҳолининг ўта бойлар ва камбағалларга бўлиниб, кескин табақланиб кетишига йўл қўймай, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатларни амалга ошириш бундан кейин ҳам партиянинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Биз ўзимизни аънавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўллаш ижтимоий дастурларининг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат гоғясини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб биламиз.

Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли партия ходимлар ва иш бевуричлар ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларининг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини тақомиллаштиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимизда партиялараро кураш кучайган айни пайтда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, ўз рақобатчиларидан фарқли ўлароқ, ушбу масалага ўз позициясини аниқлашга ҳоҳиш қилмоқда. Партия мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг ҳаракатланувчи кучи меҳнаткаш инсон, деб билади.

Ўз навбатида "Адолат" СДП жамиятимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўлиши, ҳаётимизда қадимдан ўзини оқлаб келаётган маҳалла институтининг ролинини юқори баҳолайди ва ушбу тузилма билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтиришга муҳим эътибор қаратади.

Биз фуқаролик жамияти шаклланишининг асосини ташкил этадиган пойдевор айнан ушбу орган бўлиши кераклигини қайд этган ҳолда, ноёб иж-



Ораста ТАШЕВА, Қарши шаҳар ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлиги 112-Қарши сайлов округидан қўрсатишган номзод

тимий тузилма бўлган маҳалла институтининг бундан кейин ҳам тақомиллашуви, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш марказига айланиши учун унга давлатнинг айрим ваколатларини бериш тарафдоримиз. Бизнингча, ҳар бир маҳалла ҳудудий дастурлар билан изчил боғланган ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига эга бўлиши керак. Бу эса "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалда намоён бўлишидир. Бир сўз билан ифодолаганда, партия ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясида маҳалланинг аҳамияти ва таъсири янада кучайишига ҳаракат қилади.

Маълумки, бугун юртимизда хотин-қизларга катта ишонч билдирилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, минглаб аёллар сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органларида; нодавлат ташкилотлар тизимида самарали иш олиб бораётганини айтиш ўринлидир.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибида 33 нафар, Сенат таркибида 16 нафар аёл депутат борлигини, Бош вазир ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарларидан бири аёл эканини алоҳида таъкидлаб оламиз.

Айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг аксарияти айнан хотин-қизлар вакиллари бўлганлиги, ҳаттоки, ҳар бир маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла ҳокимияти ва вакиллик органларида; нодавлат ташкилотлар тизимида самарали иш олиб бораётганини айтиш ўринлидир.

Шу ўринда "Адолат" партияси ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат органларининг барча бўғинларида қарорлар қабул қилиш жараёнидаги кенг иштирокини кафолатлашга интилиб келаётгани эътиборга молик, албатта.

Бугун партияимизни хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролинини, сиёсий, ижтимоий макомини янада ошириш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсатга фаол жалб этиш тарафдори сифатида кўпчилик яхши билади.

Шунингдек, партия жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бу борада биз эркак ва аёлларнинг бир хил меҳнати учун бир хил ҳақ тўланишини кафолатлаш, хотин-қизларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлик ва мослашувини таъминлайдиган дастурларни қўллаб-қувватлаш каби масалаларни олдимизга устувор вазифалар сифатида белгилаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юртдошларимиз "Адолат" социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзодларга овоз берар эканлар, мамлакатимизда "Адолат" — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" деган тамойилнинг мустаҳкам қарор топишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ораста ТАШЕВА,
Қарши шаҳар ҳокими ўринбосари —
хотин-қизлар қўмитаси раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлиги 112-Қарши сайлов округидан
қўрсатишган номзод

Кучли тарғибот ва сайловчининг ишончи депутатлик ўринларини эгаллаш имкониятини оширади

Партиянинг сиёсий куч сифатида мамлакатимиз тараққиёти, фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижро этувчи ҳокимиятни шакллантиришдаги келгуси иштироки, албатта, 21 декабрда ўтказиладиган сайлов натижаларига боғлиқ экани ҳар биримизга аён.

Кейинги йилларда миллий сайлов қонунчилигимиз янада такомиллаштирилиб, бу борадаги қонун ҳужжатларига бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилгани, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ошганлиги тўғрисида навбатдаги сайлов янги ша-роитларда ўтиши кутилмоқда. Миллий қонунчилигимиздаги бундай янгиланишлар боис сиёсий партиялар кўрсатиладиган ўзаро ҳолис рақобат ўртақчилиги тарғибот-ташвиқот тадбирларида ҳам яққол кузатишмоқда. Ушбу тадбирларда партиянинг барча масъул ходимлари ва аъзоларининг ўзаро жиқлиқда уюш-қоқлик билан маъжуд имкони-ятлардан тазкор ҳамда самара-ли фойдаланишлари шарт экани чукр аниқлашмоқда. Чунки бу сай-ҳаракатлар партия номзодлари учун сайловда кўпроқ овоз тўплашга эришиш ва депутатлик ўринларини эгаллаш борасидаги имкониятларни кенгайтириши шубҳасиз.

Табиики, сайловда ҳар бир сиёсий партия ўз номзодларининг нисбатан кўп овоз олиши учун ҳолис курашади. Негаки, амалга оширилган ҳар бир кучли тарғибот сайловчилар ишон-чини қозонишга хизмат қилади. Матбуот ва ОАВ орқали олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари, жойларда қизгин ке-чаётган очик мулоқотларда овоз берувчиларнинг ишончига сазо-вор бўлиш сайловда ҳал қилу-чи аҳамиятга эга.

Шуни назарда тутиб, "Адо-лат" СДП Сирдарё вилояти ке-нгаши ва унинг таркибидagi та-шкilotлар етакчи ва фаоллари бу борада ҳар қачонгидан ҳам

ларда эфирга узатилиши аҳолининг партия дастурий го-яларидан хабардорлигини ошириш имконини берапти.

Айни пайтда Олий Мажлис-нинг куйи палатаси ва маҳал-лий Кенгашлар депутатлигига партиямиз номзодлари, улар-нинг ишончли вакиллари ҳамда партия фаоллари билан жой-ларда сайловолди учрашувлари, очик мулоқотлар мунтазам равишда давом этаётир.

Жумладан, Сирдарё вилояти маънавият ва маърифат мар-казининг мажлислар залида Ўз-бекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига "64-Гулистон" сайлов округидан кўрсатилган номзодимиз А.Сулаймонов ҳамда унинг ишончли вакили Р.Махмудовнинг сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашуви ҳам ана шундай фойдали му-лоқотларга бой бўлди.

— Номзодлар билан ўткази-лаётган очик мулоқотларга до-имий қатнашмоқдан, — дейди тадбирда қатнашган сайловчи-лардан бири М.Ойматова. — Бу-гунги учрашууда А.Сулаймонов-нинг сайловолди дастури билан яқиндан танишдик, келгусида у амалга ошироқчи бўлган қонун ижодкорлиги фаолияти хусуси-да аниқ тасаввурга эга бўлдик. Бундай жонли мулоқотлар мен каби сайловчиларнинг "кимга овоз берсам экан?" деган саво-лига жавоб топиш имконини бе-ради.

Хулоса ўрнида айтиш жоиз-ки, номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчи-лар билан ўтказилаётган муло-қотлар чоғида ўзларига яратил-ган тенг шароитлар қониқши ҳосил қилмоқдалар.

Шухратжон ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сирдарё вилояти
кенгаши матбуот қотиби

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб юртимизда хотин-қизларнинг жамиятидаги ўрни ва мавқеини, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги, иқтисодий-иқтисодий турли соҳа-ларидаги нуфузини ошириш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан, замон талаб-лари билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг яшаши ва меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Мухими, амалга оширилган ислохотлар тўғрисида халқимизнинг, кенг жамоатчиликнинг хотин-қизларнинг ўрни, мақомига нисбатан дунёқараши, нуқтаи назари ўзгарди. Илгари аёллар фақат-гина фарзанд тарбияси ва уй-рўзғор ишлари билан шугулланиши ёки уларнинг меҳнати асосан таълим соҳасида ёки соғлиқни сақлаш тизимида бўлиши лозим қабилида эски фикрловчиларнинг сафи камайди. Бугунги кунда юртимизда меҳнатга лаёқатли бўлган хотин-қизларимизнинг 62 фоиздан зиёди иқтисодий-иқтисодий турли тармоқларида, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасида фаол меҳнат қилаётганининг ўзи ҳам фикримизнинг тасдиғидир.



Фаол хотин-қизлар — жамият тараққиёти гарови

Аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки жамият ривож-ида муҳим аҳамият касб эти-ши кўппартиявийлик асосида ўтказил-ган сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштирокида ҳам намоён бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демок-ратик партияси хотин-қизларнинг қонун-ли ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-лаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ро-лини, сиёсий, ижтимоий мақомини янада ошириш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни дав-лат бошқаруви ва сиёсатга фаол жалб этишга аниқ чора-тадбирлари билан ҳисса қўшмоқда.

Партия ўз фаолияти давомида юр-тимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳур-мат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мус-таҳкамлаш, ёшларнинг онгини четдан келатган турли ғоявий ҳавф-хатарлар, "оммавий маданият" хуржларидан сақ-лаш, оилаларда, маҳаллаларда олиб бораётган тарбиявий ишларнинг са-марасини ошириш мақсадида хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ахлоқий-маънавий дунёсини бойитишга инти-либ келмоқда. Утган беш йил давоми-да партиянинг ҳудудий кенгаш фаол-лари ташаббуси билан турли касб э-галари ҳисобланган аёллар учун минг-лаб сиёсий ўқувлар, очик мулоқотлар ўтказишга муваффақ бўлинди. Бу каби самимий ва юқори савиядаги учрашу-лар натижасида партия ўз сафидaги хотин-қизлар сонини 48 фоиздан 51 фоизга орттиришга эришди.

Шу ўринда партия Сиёсий Кенгаши Аёллар ва ёшлар сиёсий фаоллигини ошириш бўлими ташаббуси билан хотин-қизларда етакчилик қобилиятини намоён қилиш, изланувчан ва фаол аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратил-ган ўнлаб акция, лойиҳа ва танловлар-нинг ташкил этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, уч йил ав-вал ўтказила бошланган "Партиянинг оқила аёли" танловида шу пайтга қадар республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларидан қатнашган 100 га яқин фаол, фойдoли, ташаббускор опа-син-гилларимиз ўз билими, савияси, дунё-қараши, салоҳиятини намоён қилишга, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилашга қўшаётган улushi-ни бошқаларга оммалаштиришга эри-шишди. Шу билан бирга, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва ол-дини олиш мақсадида бир қатор лойи-ҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан,

одам савдосидан жабрланган ёки эрта никоҳ қуриш оқибатида турмуши ҳамда саломатлиги бузилган аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларга тиббий психологик ёрдамни ташкил-лаштириш бўйича тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда фаол-ият юритиб келмоқда.

Тошкент вилояти партия ташкилотид-а фаол ва оқила, эл орасида обрў-эътибор топган сафдош аёлларнинг кўпчилиги маҳаллий Кенгашдаги деп-утатлик гуруҳида ҳам ўз аксини топди. 2009 йилда "Адолат" СДПдан сайлан-ган 5 нафар вилоят Кенгаши депу-татидан 2 нафари хотин-қизлар эканли-ги фикримизнинг амалий тасдиғидир. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ҳудудий дастурларнинг ижросини назорат қилишда бевосита иштирок этиб келишяпти.

Албатта, бу борада эришилган ютуқ-лар билан бир пайтда ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам, аёлларимиз-нинг барча очилмаган кирраларини кашф этишда бўшлиқлар ҳам етарли эканлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Айниқса, жойларда, маҳал-лаларда иш билан банд бўлмаган аёл-ларнинг фаоллигини ошириш, улар-нинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ях-шилашга қаратилган тадбирларимиз-ни самарали ўтказишда, улардаги куч-ғайратни жамоатчилик ишларига са-фарбар қилишда камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Назаримда, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун, аввало, қизларимиз-ни муҳим ижтимоий-сиёсий жараён-ларда фаол иштирок этишига боғча, мактаб ёшиданок тайёрлаш, уларда ва-танпарварлик туйғусини шаклланти-ришга хизмат қилувчи лойиҳа-танлов-ларни кўпайтириш, оила-мактаб-ма-ҳаллаларимизда қизларимизнинг етак-чилик, бошқарувчилик қобилияти кашф қилиниши ва ривожланиши учун мақ-бул муҳит яратилишига ҳисса қўшиш керак бўлади. Мисол тариқасида, ай-тадиган бўлсам, мактабимизда фаол ўқувчи қизларни умуминсоний ва мил-лий кадрлар, ватанпарварлик руҳи-да, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асо-сида тарбиялаш, уларнинг онги ҳамда қалбини ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ўқувчи қизларнинг қобилият-ларини тўлиқ намоён этишлари учун етарли шароит яратиши тарғиб этиш мақсадида "Ораста қизлар" кўрик-тан-лови ўтказилиши аниқгина айланган.

Энг муҳими, танловда ўқувчи қизлар

томонидан бугунги ёшлар ҳаётидаги долзарб мавзулар таҳлил этилиб, му-аммолар ечими бўйича таклифлар бил-дирилиши, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги муаммолар ёшлар нигоҳи билан таҳлил этилиши алоҳида эъти-борга моликдир. Аёлларнинг меҳнат фаолиятига оид тўпланган миллий аъ-аналаримизни сақлаб қолган ҳолда хотин-қизларнинг халқроқ талабларга жавоб берувчи мутахассис сифатида етишиб чиқиши учун хорижда малака оширишлари шартли яратиши, бу-нинг учун, аввало, муассаса ва ташки-лотлар қошида чет тилларини ўргату-чи махсус курсларни ташкил этиш ҳам муҳим жиҳат саналади. Албатта, бу каби ўқув машғулоти ташкилот-муассаса-лардан маълум даражада қўшимча маб-лағ сарфланишига сабаб бўлади. Бу вазиятда энг мақбул йўл — ташкилот-лар қошидаги касаба уюшмалари маб-лагидан самарали фойдаланиш ҳисоб-ланади, назаримда.

Аёл жамиятда ўз ўрнига эга бўли-шида унинг иқтисодий ва маънавий мустақиллиги ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигини назардан қолдирамаслик ке-рак. Шу боис давлат ва жамоат таш-килотлари ўз зиммасига республика-мизнинг чекка-чекка ҳудудларидаги хотин-қизларнинг турмуш шароитини ях-шилашга, уларнинг иқтисодий салоҳи-ятини оширишга қўмаклашиш масъу-лиятини қўйиши керак бўлади.

Ўрни келганда таъкидлаш лозим, Тошкент вилояти партия кенгаши та-шаббуси билан вилоятимизда 10 дан ортиқ сафдош, фаол аёлларимиз ум-вий қиймати 30 миллион сўмга яқин имтиёзли кредитларни олиш учун сер-тификатларни қўлга киритишди ва тад-биркорлик фаолиятини бошлашди. Ушбу кредитлар ёрдамида аёллар ҳам раҳбарлик, ҳам ишбилармонлик қо-билиятларини ишга солишяпти. Энг му-ҳими, уларнинг ёрдамида вилоятнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари илдам даражада ўсмоқда ва янги иш ўринла-ри ташкил этилмоқда. Бу борадаги фа-олиятни янада ривожлантириш учун маҳаллалар қошида Тадбиркор аёллар марказини ташкил қилиш мақсадга му-вофиқдир.

Қизларимизнинг спорт билан шугул-ланиши зарурати, аҳамияти ҳақида тар-ғибот-ташвиқот ишларини жонли тарз-да, ҳаётий мисоллар ёрдамида кучай-тириш керак бўлади. Айниқса, спортда улкан ютуқларни қўлга киритиб, Ўзбеки-стон довуғини дунёга танитаётган иқти-дорли ёшларни маъжур тадбирларга кенг жалб қилиш ва уларнинг тимсолида спортнинг соғлом турмуш тарзи ва гўзал-ликка таъсири ҳақидаги самимий муло-қотларни ўтказиш долзарб аҳамиятга эга.

Хотин-қизларнинг муносиб эъзозла-ниши учун эр-ийгитларимизнинг маъ-навий-ахлоқий тарбиясига, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятига чуқур эътибор қаратишимиз, уларда Ватан-га, оиласига муҳаббат туйғуларини уй-ғотиш ва ривожлантиришга ҳар бири-миз ҳисса қўшишимиз керак бўлади. Айниқса, маҳаллаларда "Ёш оталар мактаби", "Ватаним ва оиламни ҳимоя қиламан" сингари лойиҳаларни амали-ётга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Вилоят АКРАМОВА,
Қйрай туманидаги 6-умумтаълим
мактаби директори,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлигида 86-Чирчик сайлов округидан
кўрсатилган номзод

Ижтимоий-сиёсий лойиҳаларга партия аъзолари кенг жалб этилмоқда

➤ БПТ — партия таянчи

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан 2014 йил партия тизимида — бошланғич партия ташкилоти йили, деб эълон қилинган. Шу муносабат билан йил бошида ишлаб чиқилган режага асосан Қашқадарё вилояти партия кенгаши томонидан БПТ аъзолари ва етакчиларининг сиёсий билимларини ошириш, уларга самарали фаолият кўрсатишлари учун етар-ли шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари йўлга қўйилди. Фаоллар шу йил якунигача БПТлар сонини тўздан кўпайтиришни режалаштиришган. Бу борада партиянинг Миришкор тумани кенгаши таркибидagi БПТларда амалга оширилаётган ишлар шу кун талаби асосида ташкил этилмоқда.

— Албатта, бошланғич таш-килотлар фаоллигини ошириш-да партия кенгашимиз аъзола-рининг роли катта, — дейди партиянинг Миришкор туман кенгаши раиси Саодат Очило-ва. — Шу боис туман кенгаши таркибидagi БПТлар фаолиятини мунтазам назорат қилиб, уларни рағбатлантириб ҳам бо-раямиз. Жами 19 та БПТнинг барча аъзолари партиямиз ижтимоий-сиёсий лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга кенг жалб этилаётир. Шунингдек, улар-нинг сиёсий савиясини ошириш учун ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, сиёсий ўқувлар ташкил этиб келинмоқ-да. Бундай сай-ҳаракатларнинг ижобий натижалари барча куйи ташкилотлар фаоллигининг кучайишида намоён бўлмоқда. Ай-ниқса, туман тиббиёт бирлаш-масида Дилноза Омонова етак-чилик қилаётган БПТ партиями-зининг сиёсий жабҳадаги мавқеи-ни янада оширишга муносиб уллуш қўшмоқда.

Уз сафига 75 нафар аъзони бирлаштирган маъжур БПТ фа-оллари "Соғлом бола йили" Дав-лат дастури ҳамда партиямизнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкам-лаш борасидаги дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, бир қатор ибратли ишлар қилишмоқ-да. Ушбу БПТ аъзолари ташаб-буси билан ўтказилаётган тад-

да аҳолини ўйлантириб келат-ган муаммолар ўз жойида ҳал этиб боришмоқда.

— Масалан, "Аввона" МФЙда яшовчи фуқаро Шохиста Ҳикма-това томорча моҳираси бўйича мурожаат қилган бўлса, фуқаро Ойсара Ражабова тадбиркорлик фаолияти учун ер майдонини ажратилиши масаласида амалий ёрдам кўрсатишимизни сўраган эди, — дейди БПТ раиси Дил-ноза Омонова. — Биз фаолла-римиз ва тегишли мутасадди идоралар вакиллари билан юқоридаги саволларга ечим то-пишга эришдик. Бундан таш-қари, БПТ аъзоларининг амалий ёрдами билан иқтисодий ва ма-иший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежларининг 20 на-фар битирувчиси Оқмачит, Кал-та, Янгимиришкор МФЙларида фаолият юритаётган кичик биз-нес ва тадбиркорлик корхона-лари ҳамда фермер хўжалиқла-рига ишга жойлаштирилди. Қарши педагогика коллежини тутатган Зилов ва Насима Мах-маюева ҳам фаолларимиз сай-ҳаракати билан туманимиз-даги "Дўстлик" муқобил маши-на-трактор паркни ҳудудидagi Гу-листон кишлоғида ўз мутахас-сисликлари бўйича ишга жалб этилди. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида Миришкор, Жейнов кишлоқларида уйда ўтирган 30 нафар хотин-қизлар партиямиз кўмаги тўғрисида касаначилик билан шугулланиш-ни бошладилар. Бундай хайрли ишларда бошланғич ташкилоти-ми фаоллари Ирода Ҳасанова, Азамат Авазов, Нилуфар Баҳрид-диновалар жонқуярлик ва ибрат кўрсатишмоқда.

Айни паллаларда БПТ аъзо-лари сайлов кампаниясининг ташвиқот-тарғибот ишларида фаол қатнашмоқдалар. Шу билан бирга, фуқароларнинг сиё-сий-ҳуқуқий билимларини оши-риш, партия обрўси ва нуфузини янада кўтариш, унинг элек-торат билан алоқасини янада мустаҳкамлаш борасида тадбир-лар қўламини кун сайин кен-гайтирмоқдалар.

Гулчехра СОДИҚОВА



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Истиклол йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида Ватанимизда катта муваффақият ва ютуқларга эришилди. Ўтган қисқа давр мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга узайган, оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроққа камайган Ўзбекистон 2011 йилда "Болаларни асрайлик" (Save the children) халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади. Бу мамлакатимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг халқаро даражада эътироф этилишидир.



Эл соғлиғи — юрт бойлиғи

БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) эса мамлакатимиздаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш моделини минтақа мамлакатлари учун намуна сифатида эътироф этди.

Шубҳасиз, ҳеч бир муваффақиятга ўз-ўзидан эришилиб қолмайди. Бунинг ортида етарли ҳуқуқий асос, моддий-техника базаси, машаққатли меҳнат ётади. Юртимизда ислохот ислохот учун эмас, авваламбор инсон учун олиб борилмоқда, табиийки, бу жараёнда инсон омилига алоҳида эътибор қаратилмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари олиқ қадрият сифатида эътироф этилган. Шу боисдан миқёси ва мазмун-моҳияти жиҳатидан энг чуқур ислохотлар айнан жамиятимиз фуқаролари соғлиғини сақлаш соҳасида олиб борилмоқда. Жумладан, Конституциямизнинг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Соҳада олиб борилган чуқур ислохотлар туфайли бугун мамлакатимиз ҳудудда аввалги кам самарали, ноқулай фельдшерлик-акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик амбулаториялари ва участка касалхоналари ўрнига қишлоқ аҳолисига дастлабки врачлик ёрдамлари кўрсатишга ихтисослашган мулақо янги типдаги, барча керакли тиббий анжом ва жиҳозлар билан ҳамда олиқ маълумотли умумамалиёт, оливалый шифокорлар билан таъминланган 3 200 тадан ортиқ замонавий қишлоқ врачлик пункт (КВП)лари барпо этилди. Қувонарлиси шундаки, бугун қишлоқ аҳолиси малакали тиббий хизматдан истиқомат қилаётган қишлоқнинг ўзида, узоққа бориб овора бўлмастан, шифокорга эҳтиёж сезгани заҳотиёқ баҳраманд бўлмоқда. Бу, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш борасида конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш нуктаи назаридан ўта муҳимдир.

"Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" ғоисига амал қилаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари айни масъулиятли дамларда юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, турмуш ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида ҳар қачонгидан ҳам кўра кўтаринки руҳда, шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Фаолиятимиз жаннатомонанд она Ватанимиз кучоғида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқароннинг бебаҳо бойлиғи бўлган соғлиқ-саломатлигини авайлаб-асрашга қаратилганлиги билан ҳам эътиборга молик. Зеро, томчилардан иромқлар, дарёлар, уммонлар пайдо

бўлгани каби, алоҳида олинган фуқаролар саломатлигининг жамлашувидан миллат, халқ саломатлиги шаклланади.

Мени мамнун этган яна бир жиҳат шуки, Ўзбекистон "Адолат" СДП иқтисодиётга янги, ресурсларни иқтисод қилувчи технологияларни барча чоралар билан жорий этиш тарафдори. Шу мақсадда партиямиз муқобил энергия манбалари, жумладан, қуёш энергиясини ривожланишини таъминлаш бўйича жуда кўп самарали ишларни амалга оширмоқда. Юқорида тилга олинган КВПларда қуёш энергиясидан фойдаланиш ташаббуси ва бу ташаббусни амалиётга жорий этиш механизми айнан партиядошларимиз тарафидан ишлаб чиқилганидан бехад мамнунман.

Умуман олганда, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Ватанимизнинг энг катта бойлиғи бўлган халқ саломатлиғи соҳасига, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимига доимо алоҳида диққат ва эътибор қаратиб келмоқда. Чунки, партиямиз аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини тобора кучайтириб бормоқда. Партиямиз бу борадаги ўз саъй-ҳаракатларини бепул дастлабки тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунлари ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармоғини шакллантириш устидан назорат қилиш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, болалар парвариши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирган.

Ўзбекистон "Адолат" СДП соғлиқни сақлаш тизимидаги иштироки ва фаолиятини янада кенгайтириб, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини доимий такомиллаштириб бориш тарафдори.

Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали шифокорлари эл хизматига туну кун камарбаста. Бизнинг шифо масканимизда беморлар илғор тиббий усул ва муолажалар асосида даво топаётди.

Бунда, албатта, малакали шифокорларнинг аниқ ташхиси ва муо-

лажаси муҳим омил бўлаётди. 220 ўринга эга филиалимизда 12 та шойлиқ клиник бўлим мавжуд. Ҳозирги кунда филиалда ЭОП, лапароскоп аппаратлари ёрдамида янги операциялар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Айни пайтда мазкур тиббиёт муассасасида партиямизнинг бошланғич ташкилоти тузилган бўлиб, у ўз атрофида 150 нафардан ортиқ фаол аъзони бирлаштирган. Улар томонидан жорий йил давомида "Она ва бола саломатлиги — асосий мақсадимиз!", "Спорт — соғлом турмуш гарови", "Оилада тиббий маданият — саломатлик омили", "Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари" каби мавзуларда тарғибот тадбирлари, давра сўхбатлари, семинар-тренинглари ташкил қилинди.


Бизнинг асосий мақсадимиз — аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш. Шу билан бирга, дори воситаларининг ноқонуний айлиниши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, давлат дорихона муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш ва дори-дармонлар нархини пасайтириш омили сифатида улар учун минимал рентабеллик даражасини ўрнатиш борасида зарур ҳуқуқий-меъриёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этилишига эришиш. Шунингдек, аҳолини давлат дорихоналари муассасалари орқали эҳтиёт қоплайдиган ҳажмда дори воситалари билан таъминлаш, қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ мактаблари учун мутахассислар тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш масалаларига эътибор қаратишдир.

Энг асосийси, бизнинг фаолиятимиз мамлакатимизнинг энг катта бойлиғи бўлган халқимиз соғлиғини сақлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Зеро, бундай хайрли саъй-ҳаракатлар бугун жамиятимиз маффаати учун хизмат қилади.

Фарҳод НОРҚЎЗИЕВ,
Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали директори,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 29-Жиззах сайлов округидан кўрсатишган номзод

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг асосий мақсадларидан бири демократик ҳуқуқий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз ҳудудида яшаётган барча миллат ва этлатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдалиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган, маънавий жиҳатдан фаровон турмушни шакллантиришда фаол иштирок этишдан иборат.

Бу кенг қамровли вазифалар Амударё, Беруний туманларининг иқтисодий салоҳияти, табиий ресурслари, мавжуд имкониятлар нуктаи назаридан келиб чиқиб, менинг сайловолди дастуримда ҳам ўз олдимга қўйган мақсадлар, аниқ тақлифлар тарзида ўз ифодасини топган.



Туташ йўллар тараққиётни тезлаштиради

Айтишим мумкинки, ушбу тақлифларда нафақат яқин истиқболга мўлжалланган, балки узоқни кўзлаган мақсадлар ҳам акс этади. Зеро, биз Соғлом бола йилининг юксак довоидан туриб, мамлакатимизни, жамиятимизни, хусусан, номзодим кўрсатишган 4-Амударё сайлов округи ҳудудини 10, 20, 30 ва 50 йилдан кейин қай йўсинда ривожлантиришимиз зарурлиги тўғрисида ўйлаб кўришимиз айни муддаодир. Ҳар бир туман, шаҳару қишлоқлар тараққиёти юртимизни янада обод ва фаровон бўлишига, халқимизнинг умумий манфаатларига хизмат қилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилиши, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислохотлар жараёнининг ўзаро боғлиқлиги, Ўзбекистонда ташкил этилган махсус индустриал зоналар фаолиятини кенгайтириш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу вазифаларнинг мазмун-моҳияти 4-Амударё сайлов округи ҳудуди нуктаи назардан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг сайлов округи ҳудудида қирган Амударё тумани, Беруний туманининг фарбий-шимолӣ ҳудудини яқин ва олиқ истиқболда ривожлантириш учун бетақрор имкониятлар, беҳисоб хомашё захиралари бор. Ҳозирги кунда Амударё тумани энг кўп пахта етиштирадиган ҳудудлардан бири бўлиши билан биргаликда саноатини модернизация қилишда ҳам улкан ютуқларга эришмоқда. Бу ерда пахта толаси, пиллани қайта ишлайдиган, ҳатто металл маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, бу ерда "Мангит-Қилчок" индустриал зонасини шакллантириш мақсадга муво-

фиқ бўлур эди. Чунки бу ҳудуд Осиё билан Европани боғлаб турган автомобиль магистрал ва темир йўлнинг шундоқ ёқасида жойлашган. Азалдан маълумки, туташ йўллар тараққиётни тезлаштиради. Айнан шу режанинг давоми сифатида "Тебинбулок-Олтинсой" минтақасидаги ноёб қазилма бойликларни ўзлаштириш орқали иккинчи йирик саноат ҳудудини ҳам яратиш мумкин.

Тилга олинган округ ҳудуди ва унга туташ жойларда яқин келажақда кичикроқ сув омбори қуриш масаласини ўйлаб кўриш, мавжуд ирригация ва мелiorация тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни янада кучайтириш лозим. Бизда биринчи навбатда аҳоли соғлиғининг бош манбаи ҳисобланган ичимлик суви масаласини оқилона ҳал қилинаётгани нур устига нур бўлмоқда. "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусидаги Урганч шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда Амударё тумани аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган йирик лойиҳанинг тасдиқлангани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Яна бир муҳим йўналиш сайлов округи ҳудуди ва унга туташган жойларда туризм ва экотуризмни тез ривожлантириш имкониятлари борлиғидир. Бунинг учун келажақда Амударё туманининг "Қуюккўпир" зонасидан Беруний туманининг "Бийбозор" зонасига олиб борадиган замонавий дарё кўприги қуриш, Амударё, Беруний, Элликқалъа, Тўртқўл туманидаги қадимий қалъалар номи билан боғлиқ қўплаб археологик ёдгорликларни қамраб олган янги туризм йўналишини яратиш вақти келди, деб ўйлаймиз. "Бадайтқай" кўриқхонаси ва "Қуйи Амударё" биорезервати ҳам эко-

туризм ривожига кенг йўл очиб беради.

Шу билан бирга, сайловолди дастуримда қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик уфқларини кенгайтириш, аграр соҳа товар ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти учун янги ҳуқуқий нормалар, зарур имтиёзларга қаратилган янги қонунлар яратиш, амалдаги айрим қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритилишида фаол қатнашиш назарда тутилган. Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашга, илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга қўмаклашиш, ижтимоий инфратузилмани мукаммаллаштириш, қишлоқ ҳудудларини ободонлаштириш, йўл қурилишини тубдан ислоҳ қилиш, янги ижтимоий объектилар қуриш бўйича олиб борилаётган ишларни изчил давом эттиришимиз зарур. Буларнинг барчаси партиямиз олдида қўйган бош мақсад — аҳоли турмуш фаровонлиги ва даражасини оширишга ҳам ҳам-оҳангдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳар бир туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, жамият ҳаёти, Ватан равнақи учун ҳамжихатликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли, ишонимлики, яқин ўн-ўн беш йил ичида Ўзбекистон дунёнинг энг тараққий этган йирирма давлати қаторига кириб, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи янада ошаверади.

Уктамай РОЗУМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани "Бўстон-1 ММТП" масъулият чекланган жамияти раиси,

4-Амударё сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод

➤ Фаолият

Жорий йилнинг 3 мартда Президентимизнинг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Унга кўра пудрат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш натижасида қурилиш-монтаж ишлари миқёси ва сифатини тубдан яхшилаш вазифалари белгилаб берилди.

Давлат архитектура-қурилиш қўмитасига эса қурилиш-пудрат ташкилотларини реестрини юритиш юклатилган бўлиб, унда ушбу кўрсаткичларнинг акс этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, қурилиш ташкилотининг иш тури ва йўналиши бўйича ихтисослашганлиги, ишчи-ҳодимлар

билан таъминланганлиги, қурилиш ташкилотларининг ихтисослиги бўйича асосий ишлаб чиқариш фондлари, базаси, қурилиш техникаси, кичик механизация воситалари мавжудлиги, қурилиш бурютамчиларининг ушбу қурилиш ташкилоти томонидан бажарилган ишларнинг лойиҳа ва қурилиши

сифатига, мuddатига риоя этилганлиги бўйича хулосалари ҳамда ташкилотнинг молиявий барқарорлиги, молиявий-иқтисодий ҳолати бўйича аудиторлик хулосалари муҳим саналади.

Албатта, қурилиш-пудрат ташкилотларининг реестрига киритилган корхоналар бир қанча қулайлик ва имтиёзларга, яъни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган импорт қилинадиган қурилиш техникаси, асбоб-ускуна-

лар, машина ва механизациялар, кичик механизация воситалари, технологик ускуналар, шунингдек, асбоб-анжомлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун 2018 йилнинг 31 декабрига-ча божхона тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан, реестрига киритилган кундан бошлаб 3 йил мuddатга эса юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод этилади. Натихада бўшайдиган маблағлар янги қурилиш техникаси, ускуналар, машиналар ва меха-

низлар, кичик механизация воситалари, технологик ускуналар, шунингдек, асбоб-анжомлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар харид қилишга мақсадли равишда йўналтирилади. 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича тендер савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилиши белгилаб қўйилган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом» тасдиқланди. Низомга асосан қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби, хусусан, ишчи гуруҳ таркиби, корхоналар учун энг кам талабларга жавоб берувчи юридик шахслар киритилиши белгиланган.

Қурилиш-пудрат ташкилотларини реестрга киритиш ариза асосида ихтиёрий амалга оширилади. Қурилиш ташкилотлари томонидан ишчи органга топширилаётган ҳужжатлар тўплами рўйхати, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, корхона раҳбариятининг мажбуриятлари, аризани қабул қилиш ва кўриб чиқиш мuddатлари, реестрга киритиш, чиқариш тартиби ва бошқалар киритилган.


Жойларда қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритиш учун Давлат архитектур-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари ишчи орган деб ҳисобланади. Улар бирламчи ариза ва ҳужжатларни қабул қилади. Топширилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини текшириди, таҳлил қилади. Энг кам талабларга жавоб берадиган корхоналар-

нинг ҳужжатларини жамлайти ва вилоят ҳокимлигига хулоса олиш учун киритади. Ижобий хулоса олингандан сўнг «Давархитектурилиш» қўмитасининг ишчи органига реестрга киритиш учун юборади. Реестрга киритилган корхоналар қўмитанинг веб-сайтида эълон қилинади. Шундай экан, юртимиз ободончилиги, бунёдкорлигига ўз хизматлари билан муносиб ҳисса қўшишни ният қилган қурилиш-пудрат корхона, ташкилотларига барча қулайлик ва имтиёзлар мавжуд.

Истам ҲАМРОЕВ,

Бўхоро вилояти Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи

Reklama o'rnida




**Самарқанд шаҳридаги
«Меъморқурилишлойиҳа»
МЧЖ жамоаси**

**барча юрдошларимизни
Асосий Қонунимиз –
Конституциямиз
қабул қилинганлигининг
22 йиллик байрами билан
қутлайди!**




**Диёримиздан доимо
осойишталик, қут-барака
ва шоду хуррамлик
аримасин!**



**«САМАНТЕПГИЛАМ»
қўшма корхонаси**

**диёримиз аҳлини
Конституциямизнинг
22 йиллиги шодиёнаси билан
муборакбод этади!**

**«САМАНТЕПГИЛАМ» —
уйингизга кўркамлик бағишлайди**



**Амударё туманидаги
«SHOIRA SHAHLO» МЧЖ жамоаси**

**азиз юрдошларимизни
Бош Қомусимиз –
Конституциямизнинг 22 йиллиги
байрами билан чин қалбдан табриклайди!**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик,
қувонч, юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида
амалга ошираётган бунёдкорлик ишларингизда
муваффақиятлар тилайди!**





IPOTEKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

Сизни Конституция байрами билан табриклаймиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда ривож тилаймиз.

ЎзР МБнинг 74-сонли қарорига асосан



Reklama



«TRASTBANK»

хусусий
акциядорлик биржа банки

юртимиз аҳлини

Конституциямизнинг 22 йиллиги

билан табриклайди!

Барчангизга ўзоқ умр,
оилавий бахт, бунёдкорлик
ишларингизда улкан
муваффақиятлар тилайди.



Reklama

Самарқанда шаҳридаги «СИЁБ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» МЧЖ жамоаси

Ватенимиз ободлиги,
иқтисодийлик
барқарорлиги,
турмушимиз фаровонлиги
йўлида меҳнат қилаётган
барча юртдошларимизни
Конституциямизнинг
22 йиллиги билан қутлайди.



Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо,
оилаларимиз фаровон, дастурхонимиз
тўкин бўлсин!



Xizmatlar litsenziyalangan

Reklama

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЁР

➤ Молия муассасаларида

Мамлакатимизда фермер хўжалиklarини, чорвачилик, паррандочилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида янги ва замонавий техникаларни жалб қилиш учун мамлакатимиздаги молия муассасалари томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилапти.

Жумладан, "Агробанк" АТБ Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан соҳани қўллаб-қувватлашга берилган кредитлар ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида ҳудудда ушбу тармоқ янада ривожланиб, маҳсулот етиштириш ҳажми ортдириб бораётибди. Бу ўз навбатида аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Банк бошқармаси вилоятда фермер хўжалиklarини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиши билан бирга, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Банк томонидан хусусий тадбиркорларнинг мақсадли лойиҳаларини молиялаштириш эвазига вилоятда замонавий ҳамда рақобатбардош корхоналар сони ортаёпти. Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолати бўйича 199 та лойиҳа учун 4,3 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Айниқса, тадбиркорлик субъектларига берилган ушбу сармоялар эвазига жойларда жами 846 та қўшимча иш ўринлари яратилгани қувонарлиқдир. Шунингдек, банк томонидан шаҳар ва туман аҳолисининг

Xizmatlar litsenziyalangan



озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Ана шу тармоқларни янада тараққий эттириш учун ҳам кредит маблағлари йўналтирилгани аҳамиятлидир.

— Халқимизга сифатли нон маҳсулотлари ва макарон етказиб бериши янада кенгайтириш мақсадида банкнинг Шўрчи филиалига кредит сўраб мурожаат қилдим, — дейди Шўрчи туманидаги "Бокати-Раҳматулло" хусусий фир-

маси раҳбари Шўхрат Бобоқулов. — Банкнинг 50 миллион сўм кредит маблағига корхонага замонавий техника сотиб олинди. Ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши натижасида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга эришдик. Бундан ташқари, бешта янги иш ўрни ҳам яратилди.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўйбга чиқаришга қўмаклашиш мақсади-

да банк кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида ташкил этилаётган ўқув-семинарлари бесамаар кетаётгани йўқ. Мана шундай ўқув-семинарларида тадбиркорлик фаолиятига оид билимларини оширган ёшларнинг кўпчилиги бугунги кунда кичик бизнес билан шуғуллана бошлашди. Бизнес-лойиҳалари билан банк оstonасига келаётган битирувчиларга кредитлар тез фурсатда ажратилаётгани уларнинг соҳага бўлган қизиқишининг ошишига хизмат қилапти. Бошқарма томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган битирувчиларга жорий йилнинг ўтган ўн бир ойида 1,5 миллиард сўм кредит ажратилгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

— Коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик билан шуғулланишини қўллаб-қувватлашга доир қарор ва фармонлар мен каби ёшларга катта йўл очиб берди, — дейди олтинсойлик яқка тартибдаги тадбиркор Зарифа Жўраева. — Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, аҳоли ҳамда ташкилотларга тикувчилик хизматларини кўрсатиш мақсадида лойиҳамни ҳаётга татбиқ этишни анчадан бўён дилимга тугиб юрган эдим. Банк коллеж битирувчиларига имтиёзли кредитлар бераётганини эшитиб, лойиҳамни «Агробанк»нинг Олтинсой филиалига топширдим. Лойиҳамга асосан молия муассасаси 45 миллион сўм миқдорда кредит ажратди. Ҳозирги кунда кредит эвазига тикувчилик чеҳи фаолияти йўлга қўйилиб, 2 та янги иш ўрни яратдим.

Абдуғани СОДИҚОВ

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Зухра БОТИРОВА

Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖўРАЕВ
Мўхаммад АЛИ
Талъат МУРОДОВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Алишер МўМИНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-46-64 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс;
Котибият — 288-46-64 (144).
Навбатчи муҳаррир — Дилором Матқаримова
Навбатчи — Гулмоджон Хидиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилди.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043,

Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани

«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolatgiz.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Обфсет усулида босилган. Буюртма Г — 1200. Адади — 8094. Босишга топшириш вақти — 21.10. Босишга топширишда — 22.00. Баҳаси келтирилган нархга

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2073-5237

12345

9772041521004

1 2 3 4 5

1 2 3 4 5